

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ**

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 94 (575.1)

НУРУЛЛАЕВА НОДИРА КАДАМОВНА

**1925-2005 ЙИЛЛАРДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ВА
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус-2010

**Диссертация Урганч Давлат университетининг Тарих кафедрасида
бажарилган.**

Илмий раҳбар:

тарих фанлари доктори
Кошанов Бахытбай Абдикеримович

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори
Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна

тарих фанлари номзоди
Айтмуратов Жалгас Айтмуратович

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Диссертация ҳимояси 2010 йил “ ” да соат ... да Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография
институтини ҳузуридаги 07.00.01-“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих
фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.015.30.01 рақамли
Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 179-а.
Тел: (8-361) 224-05-98; (8-361) 222-17-44; e-mail:istnak@uzsci.net

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлимининг Илмий кутубхонасида танишиш мумкин (230100,
Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 179-а. Тел: (8-361) 222-68-39).

Автореферат 2010 йил “ ” _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, т.ф.н.**

С.У.Нуржанов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Хоразм воҳаси бой тарих ва маданиятга эга бўлиб, жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиши тўпланган тажрибани ҳар томонлама ўрганишни, кейинги тараққиёт учун, хусусан, ижобий ва ибратли фойдаланишни тақозо этади. Бу жиҳатдан икки қўшни субъект – Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон маданий алоқалари тарихи катта илмий аҳамиятга эгаллиги билан долзарб ҳисобланади. Ушбу йўналишда тўпланган бой тажриба ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, у қатор омиллар билан боғлиқ:

биринчидан, миллий тикланишнинг белгиланган дастурини ҳаётга тўла тадбиқ қилиш учун кўп йиллик деформациялар томирини чуқур аниқлаш, совет ҳокимияти йилларидаги тоталитар тузум асосига қўйилган марксча-ленинча башоратларининг нотўғри эканлигини очиқ бериш зарур;

иккинчидан, яқин ўтмишдаги оғир, фожеавий саҳифаларни чуқур таҳлил этиб ишонч ҳосил қиламизки, “шўро ҳукумати “бўлиб ташлаб ҳукумронлик қилиш” учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди... Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушинишга ҳаракат қилишимиз лозим”¹;

учинчидан, келажак асрдаги маънавиятимиз шакли, унинг моҳияти ва мазмунини, таянч нуқтаси ва ривожланиш уфқлари, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш учун, эндиликда совет давридаги жамиятнинг маънавий ҳолати даражаси ва одамларнинг ҳозирги дунёсини қиёслаш, ва “Биз кеча ким эдик ва бугун ким бўлдик?” деган саволга жавоб бериш керак;

тўртинчидан, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганишнинг аҳамияти шундаки, “Бугун биз эски тузумнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан номаъқул, зарарли оқибатларини-нима учун эски тузум миллий манфаатларимизга мутлақо зид эканини тушунтириб бера олсак, одамлар тўғри йўлни топиб олади”².

Р.Х.Муртазаева ҳаққоний таъкидлаганидек: “советлар даврида тарихий юзага келган ва ўзбек миллатининг кўпчиликлари тажрибасида тобланган маънавий ҳаёт комунистик мафкура таъсирига учради. Аммо шундай шароитда ҳам ўзбек халқи моҳиятан ўз менталитетини сақлаб қолди”³.

Тадқиқотнинг хронологик чегараси 1925-2005 йилларни ўз ичига олади. Ишда Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг маданий алоқалари тоталитар режимнинг шаклланиши, иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги тикланиш,

¹ Каримов И.А. Свое будущее мы строим своими руками. Сочинение. – Т. 7. – Ташкент: Узбекистан, 1999. – С.298.

² Каримов И.А. Наша высшая цель — независимость и процветание Родины. – Т. 8. – Ташкент: Узбекистан, 2000. – С.454.

³ Муртазаева Р.Х. Толерантность титульной нации – гарант обеспечения мира и межнационального согласия в Узбекистане // Межнациональные отношения и толерантность в Узбекистане: исторический опыт и современность /Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент, 17-18 сентября 2010 года. – Ташкент: Mumtoz so'z, 2010. – С.10.

“турғунлик” йиллари ва Ўзбекистоннинг мустақиллик даври акс этган. Тарихий тадқиқот мантиғи ўқувчи англаб олиши учун, аввалги давр билан қиёслаганда, фақат бир ўн йилликда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида қандай улкан ўзгаришлар бўй берганлигини, эришилган ютуқларни кўрсатиб беришни талаб этади⁴.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг маданий алоқалари тарихи масалалари тарихшунослик доирасида шу пайтгача қисқа, одатда, мамлакат тарихининг бошқа кўринишлари билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Л.М.Ланда, М.А.Охунова, ва Б.В.Лунин, Р.Я.Ражапова ва В.Г.Чеботаревалар⁵ нинг тарихшуносликка оид ишларида бизнинг мавзумиз бўйича ҳам бир қатор муҳим ишлар таҳлил қилинган. Профессор Д.А.Алимова “Ўзбекистон маданияти тарихи ҳар бир даврнинг характерли хусусиятларини тарихий билимларининг ривож ва умумий ҳолати, сифат ва миқдорий таркибининг таъсирини ўз бошидан ўтказган ҳамда унинг аспектларини ёритувчи муаллифларни ва илмий кадрларни айти тарихий воқеалар ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий муҳитда бўлган”⁶ деб ҳисоблайди. Ушбу муаммо қорақалпоғистонлик олимларнинг ҳам манбашуносликка оид ишларида ўз аксини топган⁷.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, шу пайтгача танланган мавзу мустақил тадқиқот объекти бўлмаган. Янги ишланмалар тарихий фикрлашнинг бир ёқламалилигини бартараф қилишга, “октябрдан кейинги” драматик воқеалар феноменини инобатга олган ҳолда ва уларга ҳис-туйғу орақали эмас, балки қатъий илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда, тарихий ўтмишни ўрганишда янги тушунчалар ва ёндашувларни тақазо этади⁸.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги:

Диссертация мавзуси Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети илмий ишлар режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади Хоразм ва Қорақалпоғистон халқлари маданияти тарихи унинг ўрганилаётган даврдаги ўзаро алоқалари ва таъсири характерини қиёсий ўрганиш, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг кўп миллатли Ўзбекистон

⁴ Алимова Д.А. История как история. История как наука. В 2-х томах. – Т. 1. История и историческое сознание. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С.51.

⁵ Ланда Л.М. Советская историография национально-государственного размежевания Средней Азии. – Ташкент, 1964; Ўша муаллиф: Советская историография Хорезмской революции 1920 года. – Ташкент, 1972; Ахунова М.А., Лунин Б.В. История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк. – Ташкент, 1970; Чеботарева В.Г., Раджапова Р.Я. Историко-партийная наука в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – 247 с.

⁶ Алимова Д.А. История как история... – С.205-208.

⁷ Досумов Я.М. Краткий обзор основных источников и литературы // Досумов Я.М. Каракалпакия в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). – Нукус: Каракалпакстан, 1975. – С.7-28; Утепов К.Т. Великий Октябрь, становление и развитие исторической науки в Каракалпакстане. 1917-1987 гг. – Нукус: Каракалпакстан, 1988. – 196 с.; Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. – Нукус: Каракалпакстан, 1997. – 48 с.

⁸ Алимова Д.А. История как история... – С.21-22.

Республикаси маданий тараққиётининг бир қисми сифатида тўлақонли манзарасини яратиш ҳисобланади.

Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифалар** белгиланган:

– Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг ўрганилаётган даврдаги маданий алоқалари тарихи бўйича илмий меросни ўрганиш;

– Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг таниқли маданият арбоблари ижоди таҳлили асосида уларнинг фаолиятининг Хоразм воҳасидаги миллатлараро муносабатлар ва миллатлараро келишув ривожига таъсири, умуман, маданият ва жамиятнинг келажакдаги ривожини ўрганиш;

– “ўтиш даври” шароитида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси маданият соҳаларини ўзаро таъсир жараёнини кўрсатиш;

– Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси маданият муассасаларини ислоҳ қилиш жараёни ва унинг минтақа халқларининг маданий алоқалари маънавий - ахлоқий асосига таъсирини ёритиш;

– Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси халқлари маданий анъаналарининг тикланишини тадқиқ қилиш ва ўзаро алоқа ҳамда бир-бирини бойитиши ривожининг белгиланган истиқболини аниқлаш;

– Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон халқларининг мустақиллик йилларидаги маданий ҳаётидаги ўзаро муносабатлари тафсилотини яратиш;

– Хоразм воҳасидаги маданий алоқалар ва миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва бу алоқаларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсияларни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маданият жамоаларининг Ўзбекистонда миллатлараро келишув ва барқарорликни мустаҳкамлаш омили сифатида маданият соҳасидаги ўзаро муносабатлар, муассасалар фаолиятининг характери, воқеалари ва жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси тарихи мисолида минтақадаги халқларнинг маданий алоқалари, бу борадаги қарорлар ва уларни амалга оширишдан иборат.

Диссертациянинг назарий ва методологик асослари. Муаммони ўрганишда тарихийлик ва объектив илмий таҳлил ҳамда миллий мустақиллик мафкураси тамойилларига асосланган.

Тадқиқотнинг методологияси ва концепциясини ишлаб чиқиш учун Президент И.Каримовнинг асарлари ва нутқлари устувор аҳамият касб этади. Уларда давлат раҳбари тарихчиларни эътиборини ўзларинининг илмий изланишларида ўтмишни ўрганиш ва ижодий англаш билан биргаликда тарихий тадқиқот вазифаларини бугунни англаш билан уйғунлаштириш ва келажакка интилиш кераклигига қаратади⁹.

Ишни методологик жиҳатдан бойитишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида”ги (1996 йил), “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих

⁹ Каримов И.А. Без исторической памяти нет будущего. — Ташкент: Шарк, 1998. – С.16.

институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (1998 йил) Қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

Диссертацияни ёзиш жараёнида мамлакатимиз ва хориждаги таниқли назариячилар ва тарихшунослар тадқиқотлари, “Ўзбекистоннинг янги тарихи” (3 томлик), “Хоразм тарихи” ва “Қарақалпақстанның жаңа тарихи” фундаментал асарлари, Ўзбекистон ва Қарақалпоғистон олимларининг илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот манбалари. Қарақалпоғистон Республикаси Давлат архиви фондларида минтақада маданият ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон ва Қарақалпоғистон ҳукуматлари қарорларининг роли ва аҳамияти ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар мажмуаси сақланади.

Қарақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгеси, Хоразм вилояти Давлат архиви материаллари таҳлил қилиниб, минтақа халқларининг маданий муносабатлари жараёнига ушбу йўналишдаги маданият ва санъат муассасалари фаолиятига тегишли ҳужжатлар ўрганилди. Шунингдек, Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикасининг олий ўқув юртлари, вазирлик ва идораларининг жорий архивларидан фойдаланилди.

“Инқилоб кۈеши”, “Правда Востока”, “Эркин Қарақалпоғистон”, “Вести Каракалпакстана” ва “Қарақалпақстан мәденияти”, “Хорезмская правда” газетаси, ЎзР ФА ҚҚ бўлимининг “Вестник” ва “Илм сарчашмалари” (УрДУ) журналлари саҳифаларида Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикасининг ўзаро маданий муносабатларини, воқеалар тафсилоти ва жараёнлар яхлитлигига эришишда катта ҳисса қўшган тарихчилар ва маданиятшуносларнинг бир қанча қимматли ҳужжатлари ва мақолалари ўрганилди.

Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикаси маданият ва санъат арбоблари эсдаликларидан ҳам фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар:

- Хоразм ва Қарақалпоғистоннинг тақдири муштараклиги минг йилларга бориб тақалган бўлиб, у нафақат ҳудудий яқинлик ва ўзаро муносабатлар, балки табиий-иқлим шароити ўхшашлиги ва минтақанинг мунтазам равишда умумий маданий-тарихий жараёнларнинг таъсирида бўлганлиги билан ҳам бир-бирига боғланган;

- 1925-30-йилларда Хоразм ва Қарақалпоғистоннинг турли республикалар таркибида сунъий ажратилишига қарамасдан, маданий алоқалар аста-секин йўлга қўйилди. Урганчлик Қаландар Бойжонов, Ўразгул Ғойипова, Нусратхоним Ғафуржонова, Матёқуб Худоёров, Воҳобжон Фаёзовлар, хивалик Ю.Жабборов, Самандар Сароймоновлар; шаббозлик И. Аташев, Т.Қозоқов, Ю. Мадримов, Я.Айтмуротов, А.Сейтназаровлар; хонқалик Солай Диванов, Бибижон Диванова, Бибижон Мадрахимова, Хур Давлатова, Расулов, Каримов ва бошқалар ҳам халқ саънат усталари эдилар. Минтақада Аббаз Дабилов, Асан Бегимов, Сайфулғабит Мажидов, Аяпберган Мусаев, Тлеумухаммед Аманжолов, Қутли Сейтжанова ва бошқалар ўзларининг истеъдодлари билан ҳаммага таниқли бўлганлар;

- Хоразм воҳаси -ўзига хос этнофольклор минтақа бўлиб, у кўптиллик анъанасига эга бўлган бахшичилик минтақаси ҳам ҳисобланади. Бу ерда, кўпинча тингловчиларни эътиборга олган ҳолда, бахши дostonни турли –ўзбек, қорақалпоқ, туркман тилларида ижро эта оларди. Бу, сўзсиз, ушбу халқларнинг оғзаки ижодий маданиятининг бойишига, эпик асарларнинг чуқурлашувуга, бахшилар ижодий изланишининг кенгайишига хизмат қилган;

- Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг маданий ҳамкорлиги Қорақалпоғистон 1936 йилда Ўзбекистон таркибига киргандан кейин янада кучайди. Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибига кириши Хоразм воҳаси халқлари ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Амубўйи халқлари асрлар давомида юқори савияда ривожланган ўзига хос маданиятни биргаликда вужудга келтирдилар, қўлни-қўлга бериб, маданият ўчоқларини ташкил қилдилар. Хоразм воҳаси халқлари адабиёт ва санъат арбобларининг кейинги ҳамкорлигидаги ишлари мазкур халқлар маданиятининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди;

- С.П.Толстов ва у раҳбарлик қилган Хоразм археологик – этнографик экспедицияси ва Шарқшунослик институти Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон ва Хоразм учун илмий ходимлар тайёрлашда катта ёрдам кўрсатди. XX асрнинг 50-йилларида Шарқшунослик институти аспирантурасида К.Шониёзов, И. Жабборов, Т.Хўжаев, Ж.Дурдиев, К.Авазбердиев, Б.Аҳмедов, А.Қаюмов, М.Охунова, С.Камалов, Р.Қосбергенов, Д.Носиров, Г.Убайдуллаев, А.Нурмахонова, У.Шелекенов, М.Нурмухамедов, С.Ахметов, К.Аметов, Ж.Уббиниезов, А.Бекембетов, З.Насруллаева, Х.Есбергенов, В.Н.Ягодин, Н.В.Гудкова, Т.Атамуратов, Н.Рысназаров, А.Бекмуратова ва бошқалар таълим олдилар ҳамда экспедицияларда иштирок этдилар;

- Ўзбекистон ҳукумати қардош халқларнинг маданий алоқалари ривожини янги ҳаётни қуришда, миллий маданиятлар тараққиёти, қўлга киритилган мустақилликни ҳимоя қилиш, минтақадаги халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда, уларнинг бирлиги ва ўзаро муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлишини чуқур англаган ҳолда 80-йиллар охирида Марказий Осиё республикаларида заифлашиб кетган маданий алоқаларни қайта тиклашга катта эътибор берди;

- мустақиллик йилларида ижодкор зиёлиларнинг ўзаро муносабатлари учун қулай шароитлар яратилди, бу, ўз навбатида, минтақа маданий кенглигида интеграция тизими ролини ўтайдиган “Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси” халқаро жамоат ташкилотини ташкил қилишда муҳим рол ўйнади;

- миллий мустақилликнинг эълон қилиниши Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқлари маданиятининг ривожланиши учун қулай шароитлар яратди. Бунда миллий маданиятнинг тараққиёти нафақат ушбу соҳанинг мавжуд ҳолатига, балки, умуман, янги жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига ҳам боғлиқ эди. Ўтиш даврида ҳукуватимиз ва Президент И.А.Каримов ушбу соҳадаги ишлар ҳолатига, миллатнинг маънавий ва маданий тикланишига доимо эътибор қаратди, натижада маданий тараққиётнинг асосий

йўналишлари ишлаб чиқилди, бу эса Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти мисолида тадқиқ қилинмоқда.

Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда биринчи маротаба ХХ аср совет тизими ва Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилиги шароитида Хоразм ва Қорақалпоғистон маданий алоқалари яхлит тафсилотини яратишга ҳаракат қилинди. Ўрганилаётган муаммони асосий ҳужжатлар мажмуи тўпланилмагунча амалга ошириб бўлмас эди. Ушбу муҳим ҳужжатларнинг кўпчилик қисми диссертант томонидан илмий муомалага биринчи бор киритилди.

Мавжуд архив манбалари асосида муаллиф биринчи маротаба Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси орасидаги ўзаро маданий муносабатларнинг тарихий тараққиётининг асосий йўналишлари амалга оширилишини кузатди ва мазкур жараёнда унинг босқичларининг кенг тафсилотини берди.

Тадқиқот натижалари бир неча минг йиллар давомида Ўзбекистон халқлари маданиятларининг ўзаро чамбарчас таъсири ва бир-бирини бойитиш даражасини кўрсатадиган ҳужжатлар мажмуаси таҳлилига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, тизимлаштирилган материал ҳозирги замон тарихшунослигидаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси маданий алоқалари тарихи келгусида минтақада миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш учун асос бўлади.

Тавсия ва материаллар маданият соҳасидаги давлат муассасалари ишини такомиллаштириш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий имкониятларини шакллантириш, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг маданий алоқаларини янада ривожлантириш учун ҳам муҳимдир.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан “Ўзбекистон тарихи”, “Қорақалпоғистон тарихи”, “Хоразм тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи” фанлари бўйича ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг апробацияси. Диссертация қўлёзмаси Урганч Давлат университети “Тарих” кафедраси илмий семинарида, ЎзР ФА ҚҚБ Тарих, археология ва этнография институти Тарих бўлимида ва ушбу институт илмий кенгашида, ЎзР ФА ҚҚБ қошидаги “Тарих ва Жанубий Оролбўйи халқлари маданияти тарихи” илмий семинари мажлисида, ЎзР ФА ҚҚБ Тарих, археология ва этнография институти қошидаги К.015.30.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг мазмуни Ўзбекистон ёш олимларининг “Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар” мавзусидаги Тошкент шаҳрининг 2200 йилигига бағишланган биринчи илмий конференциясида (Тошкент, 1-2 май 2009 йил); ЎзР ФА ҚҚБ нинг 50 йиллигига бағишланган “Қорақалпоғистон илм фани: кеча, бугун, эртага” мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида (Нукус, 16 ноябр 2009 йил);

“Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари” (Тошкент, 19 май 2010 йил) мавзусидаги Республика иккинчи конференциясида; “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва замон” (Тошкент, 17-18 сентябр 2010 йил) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотчи томонидан илмий журнал ва конференция материаллари тўпламларида 10 та мақола ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, илова, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг умумий ҳажми - 150 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари хронологик чегараси кўрсатилиб, назарий-концептуал асослари, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий аҳамияти тавсифланади.

Биринчи боб – “**Хоразм вилояти Қорақалпоғистоннинг маданий ҳамкорлиги тарихи тарихшунослиги**”да Хоразм халқларининг маданияти ва маданий бирлигига қизиқиш кўпгина олимларни ўзига жалб қилганлиги қайд этилади. Ўтган асрнинг 20-30- йилларда библиографик характердаги дастлабки ишлар юзага келиб, уларнинг тузувчилари минтақа халқларининг тарихи бўйича илмий адабиётларни тизимлаштиришга ҳаракат қилдилар¹⁰. 1933-1934 йилларда профессор А.А.Соколов раҳбарлигидаги Қорақалпоғистон ИТИ тарихий-фольклор экспедицияси тарихий афсоналар, этнографик материалларни тўплади. Буларда қадимги Хоразм ҳудудида яшаган барча халқлар тақдиридаги тарихий ва маданий ҳодисаларнинг ўхшашлиги алоҳида таъкидланади.

Тарихчи олим Я.М.Досумов Хоразм халқлари орасидаги маданий алоқалар бўйича ҳужжатларни илмий муомалага киритди¹¹. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўчма сессияда чиқиш қилган профессор Т.Н.Қори-Ниёзов (Нукус, 1945 йил) шундай деган эди: “Қорақалпоғистон халқининг ўтмиши тарихи масалаларини қатъий ишлаб чиқиш, аввало, фақат ёзма ва бошқа тарихий манбалар”¹² ни чуқур ва атрофлича ўрганиш, шунингдек, Хоразм минтақаси халқлари тарихи ва маданияти тарихини ўзаро алоқадорликда тадқиқ қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Оролбўйи халқларининг маданий мероси ва археологик-этнографик материаллар йиғишда 1937 йил¹³ ташкил қилинган Хоразм археологик-

¹⁰ Материалы для библиографии по антропологии и этнографии Казахстана и среднеазиатских республик. – М., 1927; Морозова А.С. Библиографический указатель о Каракалпакской АССР. – Турткуль, 1932; Библиографический указатель литературы по Каракалпакии. – М.-Л.: АН СССР, 1935.

¹¹ Досумов Я.М. Очерки по истории просвещения народов Средней Азии (по материалам ККАССР). Дисс... канд. ист. наук. – М., 1939.

¹² Кары-Ниязов Т.Н. Выездная сессия Академии наук УзССР в Каракалпакской АССР. Вступительное слово на сессии // Бюллетень Академии наук УзССР, – Ташкент, 1945. – № 9–10. – С. 5.

¹³ Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (1937-1956 гг.) // Советская этнография, 1957. – № 4. – С. 31-60; Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958-1961 гг. // Материалы Хорезмской экспедиции АН СССР. – М., 1963. – Вып. 6. – С. 32-90.

этнографик экспедицияси (ХАЭЭ) катта ҳисса қўшди. 1945-1955 йилларда ХАЭЭнинг Қорақалпоқ этнографик отряди (Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, М.В.Сазонова, К.Л.Задыхина, М.П.Лобачова, С.К.Камалов, Р.К.Қосбергенов, У.Х.Шалекенов ва бошқалар) қадимий Хоразм ҳудудида яшаган қабила, уруғ ва уруғ бўлинмалари таркиби ҳақида кекса авлод вакилларида кўпгина оғзаки ривоятлар ёзиб олганлар¹⁴.

А.Т.Тожимуротов ва У.Х. Шалекеновларнинг ишларида, гарчи улар иллюстратив характерда бўлсада¹⁵, ўзаро маданий муносабатлар тарихи бўйича материаллардан фойдаланилган. Академик С.К.Камалов Жанубий Оролбўйи халқларининг маданий алоқалари муоммасыга илк бор эътибор берди¹⁶. Ушбу масалага академик М.К.Нурмухамедов ҳам эътиборини қаратди¹⁷. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ўзаро маданий алоқалари профессор Т.С.Тлеумуротовнинг ҳам тадқиқот объектига айланиб, жумладан, у шундай деди: “Қорақалпоқ халқининг тарихи жуда қадимданоқ ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан чамбарчас боғланган. Ўзбек халқи тарихи қорақалпоқ халқи тарихига улкан таъсир кўрсатган...”¹⁸.

Таҳлил қилинаётган муаммо тарихшунослигига А.Собиров¹⁹, Р.К.Джанабаев²⁰, Ж.Б.Базарбоев²¹ ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Биз томондан тадқиқ қилинаётган мавзу Я.А.Абдуллаева, Ж.А.Айтмуротов, Л.К.Ўразова, Б.А.Кошанов ва Г.И.Хожаметовалар²²нинг диссертация ва монографияларини асосий қисмига киритилган.

¹⁴ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М. – Л.: АН СССР, 1950; Ўша муаллиф: Каракалпаки Хорезмского оазиса // Труды ХАЭЭ. – М., 1952. – Т. I. – С. 461-566; Андрианов Б.В. Этническая территория каракалпаков в Северном Хорезме в XVIII – XIX вв. Автореф. дис. канд. ист. наук. – М., 1951; Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Труды ХАЭЭ. – М., 1952. – Т. I. – С. 247-318; Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амударьи // Ўша жойда. – С. 319-426.

¹⁵ Таджимуратов А.Т. Развитие экономики и культуры Каракалпакской АССР за годы Советской власти. Нукус, 1958; Шалекенов У.Х. Развитие каракалпакской культуры за годы Советской власти. – Нукус, 1957; Ўша муаллиф: Очерки по истории культуры Советской Каракалпакии (1917–1940). – Нукус: ККГИЗ, 1960; Панабергенов А. Культурное строительство в Каракалпакии в первые годы Советской власти // Труды ККГОСПИ. – Нукус, 1964. – Вып. 2. – С. 96–113.

¹⁶ Камалов С.К. О дружбе народов Каракалпакии и Хорезма // Вестник КК ФАН УзССР, 1970. – № 3. – С. 45-49; Камалов С.К., Уббиниязов Ж.У., Кошанов А.К. Из истории взаимоотношений каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII – начале XX вв. – Ташкент, 1988. Анализ трудов С.К.Камалова, посвященные на исследуемую тему см. подробнее: Тлеумуратова З. Академик С.К.Камалов мийнетлеринде Хорезм халыклары байланыслары тарийхы // ЎзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нукус, 2004. – №7.

¹⁷ Нурмухамедов М. Судьбы народов – судьбы культур. – Ташкент, 1982.

¹⁸ Тлеумуратов М. Каракалпак ҳам өзбек халықларының мәдениет байланысларының тарийхынан. Нукус, 1993.

¹⁹ Сабиров А. Развитие и взаимосвязи культуры народов Хорезма и Каракалпакии в период восстановления народного хозяйства 1921-1927 гг. // Вестник КК ФАН УзССР, 1967. – № 1; Ўша муаллиф. Первые газеты Хорезма и Каракалпакии // Печать Узбекистана, 1967, – №4; Ўша муаллиф. Дохий меҳри билан // Шарқ юлдузи, 1967, – № 4; Ўша муаллиф. Развитие культурных связей народов Каракалпакии и Хорезма в годы построения экономического фундамента социализма в СССР (1920-1932 гг.) – Автореф. дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 1967.. – 20 с.; Ўша муаллиф. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928–1940 гг. – Нукус: Каракалпакстан, 1984. – 223 с.

²⁰ Джанабаев Р.К. Помощь братских республик Каракалпакии в подготовке специалистов с высшим образованием (1959–1975) // Вестник КК ФАН УзССР, 1977, – № 4. – С. 56–60; Ўша муаллиф. Культурное строительство в Каракалпакстане в 1960-1970 годах. – Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Москва, 1985.

²¹ Базарбаев Ж. Миллий идеологияда халықлар дослыгының әхмийети // Базарбаев Ж. Миллий идея — бизин идеямыз. — Нөкис: Билим, 2003. — С.22; Ўша муаллиф. Өмир - бул сананың көтеринкилиги. — Нөкис: Билим, 1996. — 220 с.; Ўша муаллиф. Даналыгы гөззаллыкка уласкан шайыр. Әдебий-философиялық ойлар. — Нөкис: Билим, 2008. — 164 с.

²² Абдуллаева Я. А. Каракалпогистон хотин-кизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. — Тошкент, 2004. – 224 б.; Айтмуратов Ж. Развитие культуры Каракалпакстана в 70-90-х гг. XX века. — Нукус, 1997. – 104 с.; Ўша муаллиф. Ғарезсизлик дәуиринде Каракалпакстан мәдениятынын раўажланыўы. — Нөкис, 1999; Уразова Л.К. История возрождения национальной культуры Каракалпакстана (1985-2005). Автореф. дисс... канд. ист.наук. — Нукус, 2009; Кошанов Б., Ходжетова Г. Музыкальная культура Каракалпакстана 1950-2005 гг. — Нукус, 2007. – 120 с

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг янги тарихи бўйича умумлаштирувчи фундаментал асарларда маданий алоқалар мавзуси ўз аксини топган²³. Марказий Осиё минтақасидаги Хоразм маданияти муаммоси бир қанча хорижлик олимлар тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган²⁴.

Умуман олганда, тарихшунослик материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, маданият ва миллий-маданий тикланиш тарихи бир қанча кўрсаткичлари ва аспекти бўйича кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бунга қарамасдан, хронологик тарзда аниқланган ушбу муаммо ҳозиргача илм-фанда ўз аксини топмаган.

Иккинчи боб - **“1925-1991 йилларда Хоразм воҳасидаги маданий-тарихий жараёнларнинг тажриба ва муаммолари”**да Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон халқлари маданий ҳамкорлигининг асосий тенденциялари ва умумий қонуниятлари, уларнинг ўзаро таъсири ва маданиятни “байналмилаллаштириш” шароитидаги ўзаро муносабати характери кўриб чиқилади.

1925-1935 йилларда Хоразм ва Қорақалпоғистон зиёлилари “Совет Амударёси” газетасини ташкил қилиш зарурлиги масаласини бир неча бор кўтариб чиқдилар. У Амударё бўйида яшовчи халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этиши керак эди²⁵.

Хоразм ва Қорақалпоғистон маданий алоқаларининг мустаҳкамланишига “Тонг нури” театри ҳам улкан ҳисса қўшди. 1927 йили театр жамоаси гастроллари билан Хоразмга келади. Театр труппаси Хива драматик труппасидан бўлган касбдошларини янги спектакллар қўйишда руҳлантирди ҳамда Урганчдаги ҳаваскор драматик тўғаракларга репертуари билан ёрдам бердилар²⁶.

Н.А.Баскаков маълумотларига кўра, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда XX асрнинг 20-30-йилларида халқ театрларидан ташқари, таниқли кўғирчоқбозлар ва масхарабозлар бор эди. Жумладан, Хива ва Урганчда Тўхтамурод Матёкубов, Ҳайит кўғирчоқчи; масхарабозлардан Бекмон ҳуққачи, Абил Васинов, Қиличбой Ортиқбоев; Кўмак-сохов, Худойназар, Айтбой сори, Шеримбетбой ва Қаллибой Мелиев кабилар катта ҳурмат қозонган эдилар²⁷.

1935 йилнинг сентябр-октябр ойларида “Феруз”, “Сувора”, “Эшбой”, “Авазим”, “Ма-ма-ма”, “Санама”, “Мустоизод”, “Тулпар”, “Илғор”, “Учинчи сувора”, “Уфори сегоҳ”, “Маври”, “Рўмолим” каби куй ва қўшиқлар М.Харратов, М.Яқубов, М.Отажанов, С.Муғанний, Ҳ.Болтаевлар томонидан ижро этилган ва Тошкентда пластинкага ёзиб олинган.

²³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Тошкент, 2000. — Б.. 423-478; Қарақалпақистоннинг янги тарихи. — Нөкис, 2003. — С.491-504.

²⁴ Barghoorn F. Soviet Russian Nationalism. — New York, 1956; Yunther J. Inside Russia today. — New York, 1958; Spektor Y. The Soviet Union and the Muslim World, 1917-1958. — Yeattle, 1959; Wheeler Y. Racial Problems in Soviet Muslim Asia. — London-New York-Bombay, 1962; Bennigsen A., Wimbush S.E. Muslim national communism in the Soviet Union. A revolutionary Strategy for the colonial world. Chicago. — London, 1979 - 267 p.; Bennigsen A. Modernization in the Soviet Union. — Colorado, 1980; Bennigsen A., Brocsap M. The islamic threat to the Soviet State. — London and Canborra, 1983.

²⁵ Сабилов А.С. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928-1940 гг. — С. 98.

²⁶ Қорақалпоқ театри // Инкилоб қуёши, 1927, 14- феврал.

²⁷ Баскаков Н.А. Народный театр Хорезма. — Ташкент: Фан, 1984. — С.48-49.

1935 йили Урганч ва Нукус шаҳарларида мактаблар учун кадрлар тайёрлашни бошлаган Ўқитувчилар институти очилди. Шу йили Нукусда ўқитувчилар малакасини ошириш институти иш бошлади. 1937 йили Қорақалпоқ Ўқитувчилар институти ўзининг биринчи битирувчиларини чиқарди: физика математика бўйича 15 нафар, қорақалпоқ тили ва адабиёти бўйича 12 нафар ўқитувчи. Ўз навбатида, 1940 йилгача Хоразм Ўқитувчилар институти халқ маорифи учун 277 нафар кадр тайёрлади. Айни пайтда, Хива педогогика техникуми 1924-1939 йилларда 2800 нафар ўқитувчи тайёрлади²⁸.

1936 йилнинг апрелида Қорақалпоғистон АССР Совнаркоми ҳузурида санъат ишлари бўйича бошқарма бошлиғи Қосим Авезов ташаббуси билан Қорақалпоғистон ва Хоразм колхоз театрлари пьесалар репертуарлари мажмуаси билан таъминланган бўлиб, улар орасида “Аршин мол олан”, “Ҳалима” ва бошқалар бор эди. 1936 йилнинг 14-16 ноябрида ҚҚАССР Советларининг III-съездида делегатларига концерт программаси намойиш қилинган бўлиб, унинг дастурига ўзбек саҳнаси, жумладан, хоразмча “Кўнгилли ёшлар”, “Ёр-ёрахон”, “Лазги”, “Кураш”, “Ганжи қорабоғ”, “Сувора”, “Гул ўйини”, “Дилхирож” каби куй ва кўшиқлар киритилган эди. Кўшиқлар, рақслар ва мусикалар қорақалпоқ саҳнасида Т.Раҳмонова, З.Исроилова, С.Жуманиёзов, И.Исроилов, Ж.Машариповлар ижроси туфайли пайдо бўлди²⁹.

1936 йилнинг декабрида З.Қобулов Қорақалпоғистон АССР Давлат театрининг бош режиссёри қилиб тайинланди. У Тошкент ва Урганчдан Р.Усманова, И.Қосимов, Ғ.Ғуломова, А.Шакиров, П.Давлатова, Р.Исохўжаев каби актёр ва актрисаларни таклиф қилди. Ю.Шарипов хоразмлик масхарабозлар Ўтамурод, Сапо созчи, Қ.Қутлиевларнинг услубларини жорий қилди; “Лазги”, “Арзайимхон”, “Жилли пўрхон”, “Савдогар”, “Қассоб Хатор”, “Сартарош”, “Оразибон”, “Норим-норим” ларни ўзлаштирди³⁰.

1937 йилда Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон таркибига кирди. Шу йилнинг феврилида “Ўзбекфильм” киностудияси “Совет Қорақалпоғистони” номли хужжатли-овозли очеркни яратди.

1937 йил 1 сентябрда Нукусда мусиқа билим юрти очилди. Бу Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳаётида катта воқеа бўлди. 1938 йили Хўжайли колхоз театр репертуарига “Хоразм босмачилари” (А.Ниёзов), “Узун қулоқ ота”, “Оқ олтин” (А.Мажидий), “Қоравул қиз”, “Танишиш кечаси” – ҳаммаси бўлиб, 10 та пьеса киритилди.

Шунингдек, театрда “Кассам” (Девоний), “Ишланглар” (Қ.Қурбоний), “Сизмисиз?” (А.Мажидий), “Рўмолим” (С.Муғанний), “Шойи рўмол” (Қурбон созчи), “Сувора”, “Ганжи қорабоғ”, “Лазги” каби спектаклларни намойиш қилишни давом эттирдилар³¹.

1938 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Кенгаши “ҚҚАССР ва Хоразм вилояти меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида”ги қарорида саводсизликни тугатиш билан бир

²⁸ ЦГА Республики Узбекистан, Ф. Р-94, оп. 5, д. 2671, л. 14.

²⁹ Сабиров А.С. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928-1940 гг. – С. 148.

³⁰ Шарипов Ю. Мен ёстим ҳам ёсемен // Жас Ленинши, 1940, 30 декабр.

³¹ Сабиров А.С. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928-1940 гг. – С.154.

қаторда, Урганч шаҳридаги вилоят театрини режиссёр ва бадиий таржимон билан таъминлаш, барча колхоз театрлари режиссёрларини қайта тайёрлаш, ҚҚАССР бўйича 30 нафар ва Хоразм вилояти бўйича 25 нафар кишидан иборат ҳаваскорлик тўғараклари режиссёрларини тайёрлаш вазифасини қўйди³².

30-йиллар охирларида юз минглаб колхозчилар, инженер-техник ходимлар йирик ирригация объектларининг қурилиши билан боғлиқ умумхалқ қурилишларининг фаол иштирокчилари бўлдилар. Тошсоқа, Суэнли, Пахтаарна каналлари ва бошқа улкан қурилишлар қатнашчилари қаторида юзлаб маданият арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, киносолномачилар бор эди.

Ижобий томонлари билан бирга 30-йиллар охирида кўпгина салбий ҳолатлар ҳам мавжуд эди. Тоталитар тузим шароитида маданият арбобларига талофат етказган сиёсий қатоғонлар кучайди. Қ.Берегин, А.Мажидий, Қ.Авезов, С.Муғанний, Х.Девонов ва бошқалар миллатчиликда айбландилар. Уларнинг фожеали тақдири шунда эдики, илғор зиёлилар совет ҳокимияти сиёсатига кўнмади. Ўз ғоялари билан миллий тараққиётни ривожлантиришга ўрин қолдирмади дейилишининг ўзиёқ бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчи жаҳон уруши нафақат икки томонлама маданий муносабатларнинг ривожига, балки маданият ва санъат мотивлари ҳамда жанр хусусиятларига ҳам ўзининг тузатишларини киритди. 1941 йили М.Харратов 70 та хоразмча кўшиқларни ленталарга ёздирди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ҳазорасп туманида Қурбонбой жиров Матназар Жабборов билан учрашаиб, уч ярим йил давомида унинг шогирди бўлади. Матназар ўзининг устози оғзидан “Алпомиш”, “Чориёр”, “Қирқ қиз”, “Қурбонбек”, “Ширин билан Шакар” каби достонларини эшитган ва ўрганган. Матназар бахши ўзбек бахшиларидан биринчи бўлиб, қорақалпоқ эпоси “Қирқ қиз”нинг мазмунини ўзлаштирди, унинг сўзларига қараганда, бутун умри давомида Хоразмда эпос сюжетини ўзбекчалаштирилган эртақ сифатида оммалаштирган³³.

Маданий ҳамкорлик учун янги истиқболлар урушдан кейинги йилларда очилди. 1950 йилнинг майида Тўрткўлга таркиби 16 нафар кишидан иборат бўлган К.Отаниёзовнинг концерт труппаси келиб, улар колхозлар ва машина паркларида чиқиш қилдилар. Айниқса, Р.Давлетованинг “Хоразм лазгиси” ва “Бурдам” каби ёқимли ва жўшқин рақслари катта шухрат қозонди³⁴.

1960 йилнинг май ойида Урганч Маданият уйи жамоаси, ҳаваскор жамоалар ва халқ театрлари республика кўригида биринчи ўринни эгаллади. Шу йилнинг июнида Манғит шаҳрида Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошхөвүз ёшлари халқлар дўстлиги кечасини ўтказдилар³⁵. 1964 йили 7 сентябрда бир гуруҳ “Қирққиз”, қорақалпоғистонлик шоирлар, маданият ва санъат ходимлари Урганчга келдилар. Кейинги куни Хоразм телевиденияси қорақалпоқ маданияти вакиллари иштирокидаги кўрсатувни намойиш қилди³⁶. 1966 йил 25 августда

³² ЦГА Республики Каракалпакстан (ЦГА РК), ф. 1, оп. 4, д. 2014, л. 3.

³³ Абдуллаев Х. Матназар бахши – ученик Курбанбая жырау // Вестник ККО АН УзССР. 1984. – № 2. – С. 66-68.

³⁴ Добрососедство // Советская Каракалпакия, 1950, 26 мая.

³⁵ Камалов С.К. Хорезм оазиси халықларының дослығы хақында. – Нөкис: Қарақалпақ мәмлекетлик баспасы, 1961. – С.53-54.

³⁶ Сапаров Х. Тамыры тереңге кеткен дослық. // Еркін Қарақалпақстан, 1996, 5-декабр.

Қорақалпоғистон ёшлари Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистоннинг вилоятларидан келган меҳмонларни қабул қилдилар³⁷.

1967 йил 10 декабрдан Хоразм вилоятида “Қорақалполғистон адабиёти ва санъати кунлари” бошланди. Хивада қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакили Ажиниёз Қосибой ўғлига ёдгорлик ўрнатилди. Шовот туманининг Ё.Охунбобоев номи колхозида, Хива гилам фабрикасида, Хоразм педагогика институтида адабий ва концерт учрашувлари бўлиб ўтди.

1968 йил 15-18 мартда Қорақалпоғистонда “Хоразм адабиёти ва санъати кунлари” ўтказилди. 250 нафар кишидан иборат делегация, жумладан, Огаҳий номи театр артистлари, Урганч мусиқа билим юрти, Хива ва Урганч Маданият уйлари ходимлари Қорақалпоғистон аҳолиси билан учрашдилар³⁸.

Хоразм ва Қорақалпоғистон вакилларининг ижодий учрашувлари, сафар гастроллари, адабий ва санъат кечалари доирасида ҳам давом эттирилди. Масалан, 1984 йили “Аму тўлкини” ансамбли концерт дастури билан Хоразм вилоятида бир неча марта бўлди³⁹. 1984-1985 йилларда КҚАССР Бердақ номидаги филармониясининг “Қирқ-қиз” эстрада вокал-хореографик ансамбли жамоаси, КҚАССРнинг ашула ва рақс давлат ансамбли Хоразмнинг кўпчилик шаҳарларида муваффақиятли гастролда бўлдилар.

1985 йили Хоразм вилоятининг Шовот туманида бахши-шоирларнинг VI республика кўрик танлови бўлиб ўтди. Унда турли ижрочи мактаблари оқинларининг 50 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этдилар. Ўзбек ва туркман бахшилари, Хоразм дostonчи ва ҳалфалари, қозоқ оқинлари ва қорақалпоқ бақси ва жировлари ўзларининг ижрочилик репертуари ва услубини намоён қилдилар⁴⁰.

1987 йилда Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи Урганч шаҳрида “Қорақалпоғистон рассомлари” кўчма кўргазмасини ташкил қилди⁴¹. Хоразм ва Қорақалпоғистон маданият ва санъат арбобларини “Марҳабо талантлар” телевизион фестиваллар, Урганч ва Нукусда бўлиб ўтган минтақавий танловлар янада яқинлаштирди.

1989 йилда Хоразм вилоятининг Қорақалпоғистонга жавоб тариқасидаги маданият ва санъат кунларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди⁴². Хоразм вилояти делегацияси таркибида Урганч тумани “Навбахор” ашула ва рақс ансамбли, “Оразибон”, “Достон” халқ ансамбллари, “Сарвиноз” фольклор-этнографик ансамбли, Урганч шаҳридаги 7-маданият уйи қошидаги “Визит” вокал-чолғу ансамбли, “Туямуюнгидрострой” бошқармасининг “Дружбалик қизлар” ансамбли, Огаҳий номидаги мусиқали драма ва комедия театри артистлари, М.Харратов номидаги мусиқа билим юрти симфоник оркестри жамоаси, вилоят телевидениеси ва радиоэштиришлари редакцияси қошидаги мақомчилар ансамбли, К.Отаниёзов номидаги Хоразм вилоят давлат

³⁷ Каниязов С. Алтын жағыс. Мемуар. Нокис:Билим, 2006. – Б.121-123.

³⁸ Салем, Хорезм. Қарақалпақ ҳам Хорезм шайырларының топламы. Алғы сөз Б.Исмаилов. Редактор Т.Жумамуратов. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – 124 с.

³⁹ Архив Министерства культуры ККАССР за 1984 год – д.46, л.85.

⁴⁰ История узбекской советской музыки. – Т.3. 1968-1984. – Ташкент, 1991. – С. 42.

⁴¹ Архив Министерства культуры ККАССР за 1984 год – д. 56, л.34.

⁴² Маданият ва санъат кунлари // Хоразм ҳақиқати, 1989, 26- декабр.

филармонияси, “Сабо” вокал-чолғу ансамбли, Қўшқўпир туманидаги 1-маданият уйи қошидаги “Юлдуз” ашула ва рақс халқ ансамбли бор эди.

Нукусда бўлиб ўтган маданият кунларида Э.Мадрахимов, С.Авезов, Р.Бекниёзов каби таниқли шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтди⁴³.

1990 йил 24-26 январда Қорақалпоғистон адабиёт ва санъат арбоблари дўстлик сафари билан Хоразм вилоятида бўлдилар. Ижодий жамоалар Янгиариқ, Боғот, Янгибозор, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч туманлари, Урганч, Хива ва Дўстлик шаҳарлари меҳнаткашлари билан учрашдилар. “Айқулаш” давлат ашула ва рақс ансамбли, Бердақ номидаги Давлат филармонияси ансамбли “Аму тўлкини”, Нукус шаҳридаги 5-маданият уйи қошидаги “Арыулар” ансамбли, Бердақ номидаги Давлат филармонияси қошидаги болалар хореографик ансамбли жамоаси, Отажон Худойшукуровнинг оилавий ансамбли ўзларининг концерт дастурларини намойиш қилдилар.

Ушбу тадбирлар, келиб чиқиши “совет” даврига ҳос бўлишига қарамасдан, катта ижобий турткига эга эди.

“Мустақиллик даврида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон маданий ҳамкорлигида янги босқич” деб номланган учинчи бобда минтақа халқлари орасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс тадбирлар ёритилган.

1991 йил Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошхөвүз ёшларининг учрашуви ўтказилган бўлиб, унда дўстона қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, биргаликда байрамлар, танловлар ва фестиваллар, спорт мусобақалари ва турли учрашувларни ўтказиш муаммолари муҳокама қилинди. 1992 йил бошида Қорақалпоғистон Жоқарғи Кенгеси, Хоразм вилояти ва Туркменистоннинг Тошхөвүз вилояти ҳокимликлари минтақа халқлари орасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирларни белгиладилар. Минтақа халқлари орасидаги дўстона қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун асос бўладиган, халқлар ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оладиган биринчи навбатдаги тадбирлар режаси ишлаб чиқилди⁴⁴.

1992 йилнинг 7-8 сентябрида Амударё туманининг Назархон қишлоғида Ж.Шомуротов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган 31 нафар жиров, бахши ва халқ кўшиқлари ижрочилари иштирокидаги фестивал ўтказилди⁴⁵. Фестивал тингловчилари ва меҳмонларга, айниқса, тошхөвүзлик Б.Қурбондурдиев, Д.Аннадурдиевларнинг, хоразмлик У.Хўжаев, Ш.Маткаримов, отровлик М.Утеповларнинг чиқишлари жуда маъқул бўлди⁴⁶. Қорақалпоғистонлик бахшилар ва артистлар Г.Тлеумуротов, Т.Дошумова, Б.Матчонов, Г.Сарымбетова, М.Сапаева, Р.Қутекеева, Г.Айымбетова, Д.Мамбетмуротов, М.Дошбаев, Д.Қайипов, З.Хўжаназарова, С.Сапарбоева ва бошқаларнинг ижодида “Хоразм мавзуси” муносиб ўрин эгаллайди.

⁴³ Государственный архив Хорезмской области. – ф. 545, оп.1, д. 211, л.5.

⁴⁴ Архив Министерства культуры РК за 1992 год. – д.72, л.82.

⁴⁵ Текущий архив НМЦ НТ и КТР Министерства по делам культуры и спорта РК. Отчет за 1992 год.

⁴⁶ Ходжаметова Г., Кошанов Б.А. Музыкальная культура Каракалпакстана. 1950-2005. – Нукус: Билим, 2008. – С. 67.

1993 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги, КРАСК “Ғамхўр”, “Шерхон” республикалараро фирмаси, “Арал” журнали ва “Қарақалпақистан мэденияты” газета редакциялари ташаббуси билан Есжан бақси Косполотовни хотирлашга бағишланган фестивал ташкил қилинди⁴⁷. 1996 йил декабрда бақси ва жировлар Муса бақси Турим ўғли хотирасига бағишланган минтақавий мушоирага йиғилдилар⁴⁸.

1997 йилда Қорақалпоғистон Маданият вазирлиги, “Камолот” фонди бўлими ва “Ғамхўр” суғурта компаниясининг шу йилнинг 26 декабрида ўтказиладиган ёш эстрада ижрочиларининг минтақавий танловини ташкил қилиш бўйича биргаликдаги қарори қабул қилинди⁴⁹.

1997 йилнинг 18-20 октябрида Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум ўтказилди. Хорижий мамлакатларнинг кўпчилик вакиллари билан бирга, симпозиумда Қорақалпоғистон ва Хоразм олимлари ҳам иштирок этдилар⁵⁰. Бунда шаҳарга асос солинганлигини белгилашда В.Н.Ягодин, М.Мамбетуллаев, Г.Хожаниязов, Ш.Матрасулов, Р.Абдиримов ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

1998 йили Хоразм воҳаси халқлари қорақалпоқ адабиёти классиги Бердақнинг 170 йиллигини тантанали нишонладилар. Кейинги йилда Ажиниёзнинг 175 йиллиги нишонланди. Шу йили Ўзбекистон Қаҳрамонлари – И.Юсупов ва Т.Каипбергеновларнинг 70 йиллик юбилейлари ўтказилди.

1999 йилда Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти, “икки қирғоқ булбули” номини олган О.Худойшукуров хотирасига бағишланган республика танлови ўтказилди. У нафақат ўзбекча кўшиқларни, балки минтақадаги бошқа халқлар – қорақалпоқлар, қozoқлар, туркманларнинг кўшиқларини ҳам куйлаган. У ҳамма учун умумий ўртоқ, қадимий маданият вакили, миллатлараро келишув ва бирдамлик сиймоси эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашувдаги чиқишида (1999 йил 24 декабр) хоразмликларнинг муҳим сифатларини таъкидлаб шундай деган эди “... бир нарсани ўзимга яхши тасаввур қиламан. Хоразмлик билан дўст бўлиш осон эмас. Лекин дўст бўлиб қолсанг, бу – абадий дўстлик бўлади. Чунки хоразмликлар – оқибатли, аҳдига содиқ халқдир”⁵¹.

2001 йилнинг 14-15 июлида Хоразм вилоятида Қорақалпоғистон маданият арбоблари билан учрашув бўлиб ўтди. Гурлан туманида майдони 20 га дан иборат “Халқлар дўстлиги” хиёбони барпо этилди. Бахши ва жировлар, “Мухаллес” фольклор ансамбли, “Айқулаш” ва “Аму тўлқини” рақс ансамбллари чиқишлари билан биргаликда, К.Сержанов, Т.Хўжаназаров, Р.Кутекееваларнинг мусиқа ижоди намуналари ҳам янгради⁵².

⁴⁷ Текущий архив НМЦ НТ и КИР Министерства по делам культуры РК. – Отчет за 1993 г.

⁴⁸ Текущий архив НМЦ НТ и КИР Министерства по делам культуры РК. – Отчет за 1996 г.

⁴⁹ Архив Министерства культуры Республики Каракалпакстан. – д. 85, л. 194.

⁵⁰ Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 18-20 октябр 1997 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 304 б.

⁵¹ Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины. – Т. 8. – С.235.

⁵² Даулетмуратова Т. Праздник дружбы // Вести Каракалпакстана, 2001, 14 июля.

2001 йилда қорақалпоғистонлик олимлардан Ж.Бозорбоев, В.Н.Ягодин, М.Мамбетуллаев, Г.Хожаниязовлар “Авесто” нинг 2700 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида фаол иштирок этдилар. Хоразм вилояти маданияти ва санъат вакиллари 2003 йилда Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашда фаол қатнашдилар. Ўзбекистон халқ артисти Г.Матёкубова раҳбарлигидаги “Хоразмракс” бирлашмаси рақс гуруҳи “Дутор лазгиси” рақсини ижро қилди. Адабиёт, фан ва маданият вакиллари – О.Матчон, А.Садуллаев, М.Қўшчонов, С.Искандарова, Д.Бобожонов, Р.Қурбонов, Б.Каримов, Э.Мадрахимов, М.Абдулҳакимов, Қ.Искандаров, Г.Матёкубова, К.Исмоилова, Т.Қурёзовлар ўзбек ва қорақолпоқ халқларининг ҳурматига сазовор бўлдилар⁵³.

Бундай байрамлар ва учрашувлар анъанавий бўлиб қолди. Хоразм ва Қорақалпоғистон маданият ва санъат вакиллари дўстона учрашувлар ҳамда биргаликдаги чиқишлар учун имкон топардилар. 2004 йил 24 июлда Урганч шаҳрида Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти К.Отаниёзов юбилейини нишонлашда ушбу республикалар делегациялари иштирок этдилар⁵⁴.

2005 йилнинг 27-28 ноябрида О.Худойшукров хотирасига бағишланган ёш артистлар, бахши, ҳалфа, рассомларнинг республика танлови ўтказилди. Танловда Хоразм маданияти вакилларида М.Қўзиев, Х.Матёкубов, Б.Ёкубов, Г.Жуманиязов, М.Йўлдошев, Р.Матназаров, Э.Зокиров, Ж.Очилов, Х.Алимов, М.Норметов, Н.Боғибекова, Х.Қутлумуронова, Д.Пирнафасовалар қатнашдилар⁵⁵.

Қорақалпоғистон маданияти вакиллариининг ютуқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан юқори баҳоланди: “Бизнинг катта байрамларимиз, тўй-сайилларимизда, анъанага кўра, ҳар қайси вилоят, жумладан, Қорақалпоғистон ҳам ўз санъати намуналарини намойиш этади. Мен шундай сайиллар гувоҳи бўлган барча кишилар номидан айтишим мумкинки, қорақалпоқларнинг ўзига хос санъати, куй-қўшиқлари, хонандаларнинг ёқимли ва жарангдор овозлари ҳаммани ҳайратда қолдирарди. ... Ишончим комилки, мана шундай адабиёти, мана шундай санъати, мана шундай маданияти бор экан, қорақалпоқ халқи ҳеч қачон кам бўлмайди”⁵⁶.

Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги қозоқлар, корейслар, туркманлар ва русларнинг миллий-маданий марказлари турли миллатлар ва элатларнинг ўзига хослигини сақлашда муҳим ишларни амалга оширмоқда, ушбу марказлар уларнинг маънавий ҳаёти ўчоғи ҳисобланади ҳамда ижтимоий – сиёсий ҳаёти ва маданий қурилишига муносиб ҳисса қўшади.

Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг музейлари ва кўргазма павильонларининг фаолиятидаги энг асосий мақсад инсон маънавий ҳаётининг ғоявий-фуқаролик туйғуларини шакллантириш ҳисобланади.

⁵³ Текущий архив Министерства по делам культуры и спорта Республики Каракалпакстан, – Отчет за 2003 год.

⁵⁴ Хоразм вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт бошқармаси архиви, 2003. – Б. 25.

⁵⁵ Қўчқоров Я. Тўртқўл тарихи (хикоялар, хотиралар, бадиалар, манбалар). – Урганч, 2006. – Б.34.

⁵⁶ Каримов И.А. Я считаю себя сыном не только узбекского, но и каракалпакского народа! Речь на встрече с представителями избирателей Республики Каракалпакстан, 2 декабря 1999 г. // Каримов И.А. Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Т. 8. – Ташкент: Узбекистан, 2000. – С. 110.

Миллатлараро муносабатларнинг янги мафкуриси миллатлараро муҳитнинг сифат жиҳатдан ўзгариш жараёнларига жавоб берадиган анча универсал, ҳаракатчан ва мослашадиган, дунёқарашли, ахлоқий - этик устуворликга эга бўлмоқда. Халқнинг жипслиги ва ҳамфикрлиги, миллатлараро тотувлик ғояси тобора оммалашиб, жамият миллий - иқтисодий ривожининг муҳим омили ҳисобланиб, миллий — маданий алоқалар доираси, миллий ва этник гуруҳлар ҳамкорлиги кенгаймоқда⁵⁷.

⁵⁷ Муртазаева Р.Х. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. — Ташкент: Узбекистан, 2010. — С.111.

ХУЛОСА

Олимлар Хоразм воҳасини “этногенетик жараёнлар тугуни” деб номлар эканлар, бугунги кунда унга маданий жараённинг умумий ва ўхшаш қонуниятларга эга бўлган этномаданий соҳа сифатида қарайдилар. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси анча бой ижтимоий – маданий меросга эга: анъанавий маданий институтлар, бир неча авлодга мансуб профессионал, ижрочилик, бастакорлик, спорт, илмий мактаблардан тортиб замонавий опера ва симфоник санъатга, маданият ва санъат, илм-фан ва спортнинг кенг тармоқли инфраструктурасига (юзлаб мусика мактаблари, коллежлар, театрлар, маданият уйлари, спорт мажмуалари ва ҳ.к.), замонавий театр санъати, кинематография ва бошқаларга эга. Тадқиқ қилинаётган даврда бу ерда минтақа халқларининг бир-бирини бойитиши ва ҳамкорлиги асослари учун улкан маданий яратувчанлик ишлари амалга оширилди.

Ижодий тажриба ва ижобий салоҳиятни алмашиш жараёни кечди, шахслараро алоқалар кучайди, халқаро муносабатлар мустаҳкамланди. Ижодкор одамлар, ҳақиқатан ҳам, бирлаштирувчи омил сифатида муҳим рол ўйнадилар: санъат, ўзаро ижодий алмашиш, ижодий алоқаларни ривожлантириш асосида жамиятда барқарорлик ва тинчликни сақлаш, қардошлиқ туйғусини ҳис қилиш, халқлар дўстлиги тарихнинг мураккаб даврларини биргаликда бошдан кечирган.

Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг маданий ҳамкорлиги ютуқлари – Хоразм воҳаси халқлари маданияти тарихига катта ҳисса қўшганлиги, шубҳасиз. Мерослик қонуни бўйича улар келажакда унинг илгарилаб борадиган ҳаракатининг кейинги босқичларида мерос бўлиб қолади. Аммо ижобий тажриба билан биргаликда келажак кўпгина “кам-кўстлар”, кўпгина ҳал қилинмаган муаммоларни мерос қилиб олади:

- бугунги кунда маданият ва санъатнинг кўпчилик соҳалари ўз вазифасини тўла бажариш имкониятига эга эмас, сабаби етарли даражада моддий-техник базага, саҳнабоп ва бадий материалга, ташвиқот, маърифий фаолият учун кенг имкониятларга эга эмас. Йилдан-йилга аҳолига маданият муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматларни қисқартириш тенденцияси намоён бўлмоқда (театрлар, музейлар, кутубхоналар томонидан);

- “оммавий маданият”нинг хусусиятларини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмади: одамлар маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришнинг пассив шаклларига нисбатан муайян англашилмовчиликлар кузатилмоқда;

- оммавий мусика турмуши соҳасидаги, айниқса, шаҳар аҳолиси турмушидаги аҳвол ташвишланарли бўлиб қолмоқда. “Мусикавий муҳит”нинг сифатсиз шлягерлар билан ифлосланганлиги – ўхшаш ҳолатлар билан вужудга келган умумий бахтсизлик. Бундай номақбул ҳодисаларга қарши биргаликда курашиш лозим.

Диссертацияда қуйидаги **тавсиялар** берилди:

- ўтмишда шаклланган маданият ва санъат институтлари мустақил Ўзбекистоннинг замонавий давлат, этник ва маданий бирлигини шаклланишига ёрдам беришини инобатга олиш зарур;

- бугунги кунда маданий ҳамкорлик ривожига Хоразм воҳасидаги маданият, таълим ва илм-фаннинг буюк намояндаларини номлари ва ғояларини қайта тикламасдан ва ўрганмасдан эришиб бўлмайди;

- минтақа халқлари орасидаги маданий тажриба алмашишни кучайтириш лозим, маданият ва санъат кунларини ўтказиш, миллатлараро келишув ва динлараро бағрикенглик тўғрисида миллий мустақиллик мафкураси ғояларини амалга ошириш учун Марказий Осиё мамлакатларининг бадиий ва ижодий жамоаларининг ўзаро тажриба алмашиши энг қулай шаклларида бири ҳисобланади;

- Хоразм воҳаси халқлари маданиятининг ривожини маданият ва унинг миллий хусусиятлари таҳлили замирида кўриб чиқиш керак;

- маданий ҳамкорликнинг маънавий ривожланган шахсни тарбиялашдаги аҳамиятини кўрсатиш;

- маданий муносабатлар тарихи бўйича ҳозирги ишлар, жаҳон тарихи контекстида, глобал ёндашувлардан фарқланиши керак, сабаби бизнинг цивилизациямиз тарихи – бу дунё цивилизациясининг ажралмас қисмидир.

XXI аср бошларидаги янгиликлар, информацион инқилоб ва ривожланиш жараёнларининг жадаллашиши, глобаллашув шароитида миллатлараро муносабатлар борасида Ўзбекистон олдида турган кенг қўламли вазифалар нафақат маданий ташкил этишнинг амалий натижаларини пасайтирмайди, балки маданий ҳамкорликка янада кенг истиқбол йўлларини оча бориб, унинг аҳамиятини янада оширади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Нуруллаева Н. Из истории культурных взаимоотношений Хорезма и Каракалпакстана второй половины XX века // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2008. – № 1. – Б. 22-25.
2. Нуруллаева Н. Қорақалпоғистон ва Хоразмда халқ таълими тарихи // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б. 123-124.
3. Нуруллаева Н. Хоразм маданиятининг долзарб масалалари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 111-112.
4. Кошанов Б., Нуруллаева Н. Из истории общественно-политической жизни Каракалпакстана 1946-1960-х годов // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндошувлар. Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланади. (2009 йил 1-2 май). – Тошкент, 2009. – Б. 154-159.
5. Нуруллаева Н. Культурное сотрудничество Хорезмской области и Каракалпакстана в период независимости // Талаба ёшларнинг миллий маънавий меросдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришнинг илмий-услубий масалалари. Республика илмий-услубий анжумани материаллари тўплами. (2009 йил 23-24 апрел). – Урганч, 2009. – Б. 93-96.
6. Нуруллаева Н. К историографии культурных связей Хорезма и Каракалпакстана // Тезисы Республиканской научно-практической конференции “Наука Каракалпакстана: вчера, сегодня, завтра”, посвященной 50-летию Каракалпакского отделения АН РУз. – Нукус, 2009. – С. 159-160.
7. Кошанов Б., Нуруллаева Н. Политико-культурные связи Хорезма Каракалпакстана в 30-40-е годы XX столетия // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2009. – № 4. – Б. 38-41.
8. Кошанов Б.А., Нуруллаева Н. Основные направления историографии Каракалпакстана и Хорезма на современном этапе. // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Республика иккинчи илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами. (2010 йил 19 май). – Ташкент, 2010. – Б. 309-314.
9. Нуруллаева Н. Сотрудничество ученых Хорезма и Каракалпакстана // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2010. – № 1. – Б. 28-31.
10. Нуруллаева Н. Культурные взаимоотношения Каракалпакстана и Хорезма в период независимости // Межнациональные отношения и толерантность в Узбекистане: исторический опыт и современность. Материалы Международной научно-практической конференции (17-18 сентября 2010 г.). – Ташкент, 2010 – Б. 91-95.

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Нуруллаева Нодира
Қадамовнанинг 07.00.01 - Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича
“1925-2005 йилларда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг
маданий алоқалари” мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Хоразм, Қорақалпоғистон, маданият, ҳамкорлик, миллий ўзликни англаш, театр, музей, филармония, фан, таълим, санъат.

Тадқиқотнинг объекти: Хоразм ва Қорақалпоғистон халқларининг маданий ҳамкорлиги.

Ишнинг мақсади: Хоразм ва Қорақалпоғистон халқларининг маданият тарихини, унинг ўзоро алоқаси ва ўзаро таъсир характерини қиёсий ўрганиш, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси халқларининг маданий алоқаларининг яхлит кўринишини, кўп миллатли Ўзбекистон Республикасининг маданий ривожланиш жараёнининг таркибий қисми сифатида яратиш.

Тадқиқот методлари: муаммоли-хронологик, қиёсий-таҳлилий, тарихий-ретроспектив, ижтимоий-статистик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: 1925-2005 йилларда Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг маданий алоқаларининг яхлит кўриниши яратилган. Архив манбалари асосида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар ривожланишининг асосий йўналишларини амалга оширилиши тадқиқ қилинган ва унинг босқичларининг кенг тавсифи берилган.

Амалий аҳамияти: тўпланган тарихий ҳужжатлар миллий маданият тарихидаги тадқиқ қилинган воқеа - ҳодисаларни қайта тиклашга ёрдам беради. Олинган маълумотлар ва қилинган хулосалар Олий ўқув юртлари, махсус мактаб ва коллежлар, Маданият ва спорт вазирлиги муассасалари учун хизмат қилади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот мавзуси бўйича 10 та мақола чоп этилган, натижалардан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларидан ўқув жараёнида ҳамда “Ўзбекистон тарихи”, “Қорақалпоғистон тарихи”, “Хоразм тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи” фанлари бўйича ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларини давлат муассасаларининг маданият соҳаси ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий салоҳиятини шакллантириш жараёнлари амалиётида қўллаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Нуруллаевой Нодиры Кадамовны на тему: «Культурные связи Хорезмской области и Каракалпакстана в 1925-2005 гг.» на соискание учёной степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01. – История Узбекистана

Ключевые слова: Хорезм, Каракалпакстан, культура, сотрудничество, национальное самосознание, театр, музей, филармония, наука, образование, искусство.

Объект исследования: культурное сотрудничество народов Хорезма и Каракалпакстана.

Цель работы: сопоставительное изучение истории культуры народов Хорезма и Каракалпакстана, характера её взаимосвязи и взаимовлияния, создание целостной картины культурных связей народов Хорезмской области и Республики Каракалпакстан как составной части процесса культурного развития многонациональной Республики Узбекистан.

Методы исследования: проблемно-хронологический, сравнительно-аналитический, историко-ретроспективный, социально-статистический.

Полученные результаты и их новизна: создана целостная картина культурных связей Хорезма и Каракалпакстана в 1925-2005 гг. На основе архивных источников прослежена реализация основных направлений развития культурных взаимоотношений между Хорезмской областью и Республикой Каракалпакстан и дана развернутая характеристика ее этапов.

Практическая значимость: документальные материалы помогут восстановить пробелы в истории национальной культуры. Информационный материал и выводы представляются полезными для вузов, специализированных школ и колледжей, учреждений Министерства по делам культуры и спорта.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме диссертации опубликовано 10 статей, результаты исследования используются в учебном процессе.

Область применения: учебные пособия по предметам «История Узбекистана», «История Каракалпакстана», «История Хорезма», «Культурология», «История культуры народов Узбекистана». Практика государственных учреждений в области культуры, формирования духовно-нравственного потенциала общества.

RESUME

To the dissertation work of the researcher Nurullaeva Nodira Kadamovna on the theme "Cultural links between Khorezm region and Karakalpakstan in 1925-2005 years" to defense the degree- the candidate of Historical Sciences.

Key words: Khorezm, Karakalpakstan, culture, corporation, national self-awareness, theater, museum, philharmonic, science, education, art.

Subjects of the inquiry: cultural links of Khorezm and Karakalpakstan.

Aim of the inquiry: comparable investigation of the history of culture in Khorezm and Karakalpakstan, the character of its relationships and influence, the creation of the whole overview of cultural links of Khorezm and Karakalpakstan as a main part of the developing process of culture in multinational Uzbekistan.

Methods of inquiry: problematic- chronological, compare-analytical, historical-retrospective, social- statistical.

The results achieved and their novelty: it was created the overall picture of cultural links between Khorezm and Karakalpakstan in 1925-2005 years. On the base of archives sources it was observed the realization of main directions in developing cultural links between Khorezm region and the Republic of Karakalpakstan with wide characterized steps.

Practical value: documentary materials will support to cover the blanks in the history of national culture. Information materials and conclusions will be used in Universities, specialized schools, at colleges and at the institutions of the Ministry on affairs of culture and sport.

Degree of embed and economic effectivity: on the theme of dissertation ten articles were published and the results of the research have been used in teaching process.

Sphere of usage: manuals and resources on the following subjects as "History of Uzbekistan", "History of Karakalpakstan", "History of Khorezm", "Culture Study", "History of culture of Uzbek people". It serves as a practice at state institutions in the field of culture, and the formation of spiritual potential of the society.